



02. 08. 2017 й.

Наманган шаҳри 999 -сонли

**А.Навоий кўчаси худудида йўл усти пиёдалар ўтиш кўпригини
қуришга ҳамда мавжуд жамоат транспортларини тўхташ бекатини
кўчиришга рухсат бериш ҳақида.**

Наманган шаҳрининг марказий кўчаларида транспорт ҳаракати тирбандлигини олдини олиш, пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг А.Навоий кўчаси худудида “Йўл усти пиёдалар ўтиш кўприги”ни қуришга рухсат бериш ҳақидаги хатини, А.Навоий кўчасида жойлашган 6-сонли кўп қаватли уй олдида жойлашган жамоат транспортларини тўхташ бекатини Б.Машраб кинотеатрининг олд қисмига кўчириш бўйича шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа таклифини, алоқадор ташкилотларнинг хулосасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 64-моддасига, Шаҳарсозлик кодексининг 20-моддасига асосан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига Наманган шаҳрининг марказий кўчаларида транспорт ҳаракати тирбандлигини олдини олиш, пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан А.Навоий кўчаси худудида “Йўл усти пиёдалар ўтиш кўприги” қурилишига ҳамда А.Навоий кўчасидаги 6-сонли кўп қаватли турар жой биносининг олд қисмидаги жамоат транспортларини тўхташ бекатини Б.Машраб кинотеатрининг олд қисмига кўчириб қуришга рухсат берилсин.

2. Наманган шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси (Ш.Кўчқаров)га шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг буюртмасига асосан “Йўл усти пиёдалар ўтиш кўприги” ва жамоат транспортларини тўхташ бекатини қурилиши учун архитектура-режалаштириш топшириғи тайёрлаб бериш вазифаси топширилсин.

3. Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (А.Абдуллаев) зиммасига: шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш, тегишли лицензияга эга бўлган лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш, тайёрланган

лойиҳани экспертизадан ўтказиш ва қурилиш ишларини бошлаш учун вилоят Давлат архитектура ва қурилиш нazorати инспекциясидан рухсатнома олишни ва қурилишни махсус лицензияга эга пудратчи ташкилоти томонидан амалга оширилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

4. Наманган шаҳар молия бўлими А.Навоий кўчасида қурилиши режалаштирилган “Йўл усти пиёдалар ўтиш кўприги”ни қурилиши учун зарур бўлган маблағни ажратиш юзасидан шаҳар ҳокимлигига таклиф киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари С.Султанов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



Ш.Абдуразаков



ҲОКИМИ

160100, Наманган вилояти
Хуррият кўчаси, 66-уй
Тел: 227-12-40



THE HOKIM
of NAMANGAN CITY
160100, the city of Namangan
Hurriyat street, 66.
Office phone: 227-12-40
e-mail: namdevon@mail.uz
www.namangancity.uz

23.12.2019 № 01/19-9004

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлис ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари
институтининг директор уринбосари
Ж.Тураевага

Сизнинг 2019 йил 14 октябрдаги 03/1-08-594-сонли хатингизни Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан куриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз.

Ҳақиқатдан ҳам, Наманган шаҳридаги “Сардоба” савдо мажмуаси ва унинг атрофи гавжум ҳудуд ҳисобланиб, бозорга туташ булган чорраха автомобиллар ва пиёдалар учун алоҳида светофор билан жихозланган булсада, доимий тирбандлик вужудга келади.

Шу сабабли, ушбу ноқулайликларни бартараф этиш мақсадида, А.Навоий кучаси ҳудудида йул усти пиёдалар утиш куприги куриш ҳамда мавжуд жамоат транспортларини тўхташ бекатини кучириш тўғрисида шаҳар ҳокимининг 2017 йил 2 августдаги 999-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорга асосан шу йил йул усти пиёдалар куприги курилишининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Бироқ, куриладиган куприк фундаменти ўрнида қатъи ҳажмдаги коммуникация тармоқлари мавжудлиги ҳамда ушбу коммуникация тармоқларини амалда кўчириш имкони йўқлиги сабабли, лойиҳани бажариш вақтинча тўхтатилган.

Ҳурмат билан,

Шаҳар ҳокими

Ш.Абдуразаков